



Дунором

Абзарова

**Кур
резаклар**

25593

10 0

2000A-1928

Αβζαίωβα Δ

Χρτ τστακίφτ

κλεβφλαφ

2000A-1928

1999 1500

Дилором Абзалова

ҲУР ЧЕЧАКЛАР
Шеърлар

Тошкент
"Каторгол-Камолот"
1999

Ушбу шеърлар ҳаётга пок туйғулар билан келиб, пок туйғулар билан кетган дилнинг бағридан тўкилган томчилар. Армонлар диёрида очилган ҳур чечаклар. Ўйлаймизки, битиклар сизни бефарқ қолдирмайди.

ISBN 5-633-01076-0

A $\frac{4702620206}{356(04)-99}$ 1999

25593

10

0

© Мухтабар Абзалова

A

O'zb. Res. DK

1928

Дил навоси

Қизимиз Дилором дилларга ором бериш учун, оромли дилларни улуғлаш учун дунёга келган экан. Инсондаги барча гўзалликни Аллоҳдан деб билди, хулқу ахлоқдаги, урфу одатдаги гўзалликни улуғлаб тенгқурт дугоналари, мураббийлар, меҳр-шафқатли инсонлар ҳақида эртақлар тўқиди, шеърлар ёзди.

Ўн тўққиз йиллик қисқа умри давомида ўн тўққиз йил дард билан олишди. Хасталигини ҳеч кимга сездирмасди, ўзгаларнинг дарди ўзига етарли деб билди, кўнгул сўраб келган Барноҳон, Дилдораҳон сингари мактабдош ўртоқларига шеърлар ўқиди, ҳаётнинг қадри ҳақида ҳикматлар айтди:

Бу дунёнинг ишлари хаёлим олди,

Аларни енгай десам ўйларим толди.

Дил навоси кўнгулни не кўйса солди,

Айтгил, эй инсон, сендан

Қандай ном қолди?! – дея шеърлар тўқиди.

Марҳума қизимиз Дилоромдан бир шеърини дафтар қолди. Ўзбек, рус, инглиз тилларида ёзган эди. Улардан айримларини сиз – китобхонларга ҳавола қилишини лозим деб топдик.

Худойберди Тўхтабоев,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ватан

Ватан туйғусини ким куйламаган,
Тупроғини ўпиб, кўзга суртмаган?
Ким бор келажакка умид қўймаган,
Кимса борми юртни обод этмаган?!
Ватан сўзи беш ҳарфдан иборат:
"В" дегани – Ватандир,
"А" ҳарфи-чи – адолат.
"Т" да тинчлик мужассам,
Кейинги "А" – абадий
Бўлсин бахту саодат.
"Н" да нурли келажак,
Истиқлол бўлсин ҳар дам.
Бундай ўйлаб қарасак,
Керакдир бари бизга,
Керакдир гурур, қадр,
Фидолик элимизга.
Ватан доим биз билан,
Биз уни унутмайлик,
Вақтни бой бермай, дўстлар,
Яхши ният қилайлик.
Шеърим якунлаб туриб,
Бир нарса айтай сизга.
Мустақиллик муборақ
Фаровон юргимизга.
Оқибатли бўлайлик
Доим бир-биримизга...

Наврўз

Бугун байрам, бугун Наврўз,
Шодланади ўғил-қиз.
Биз гулдаста терайлик,
Элу юртта берайлик.
Буғдойни тез ундириб,
Сумалак пиширайлик.
Дош қозонларни қуриб,
Ҳалимни ҳам бошлайлик.
Юртимиз меҳмон бўлсин,
Сумалак, ҳалим есин.
Ўйин-кулгулар қилсин,
Шўх лапарлар ҳам айтсин.
Ўзбекистон меҳмондўст.
Орзулар бекаму кўст.

Одоб

Одобли болага берсангиз қалам,
Ёзади каттакон чиройли дoston.
Унга раҳмат айтар ўқиган одам,
Одобсиз болалар бўлар пушаймон.
Одобсиз дилида бордир бир алам,
Шу боис кўрс бўлар феъл-атвори ҳам.
Дарсга кирмай юрар кўча-куйларда,
Писта, қурут, сақич доим қўлларда.
Одобли болалар дарс қилар уйда
Одобсиз болалар юради қайда?!

Устозлар

Минглаб талабага берибон билим,
Бизга англабдигиз маърифат сирин,
Дилдан ўргатдигиз хорижлар тилин,
Сизга бахшидадир ушбу дил шеърим.

Илмингиздан бизни қилиб баҳраманд,
Фанлар тилсимини ҳадя қилдигиз.
Янги тил ўргандик бошимиз баланд,
Ҳамиша китобни дўст деб билдигиз.

Товушдан бошлабон таржимагача
Ўргатасиз асл сўзлаш услубин.
Тақиқланган замон ўтгандир кеча,
Ўзбекнинг боласи хорижда бугун.

Номингиз ҳар тилда янгарар турлича,
Лекин барисининг маъноси бир соз.
Русларда учитель, инглизда teacher,
Ўзбекларда эса меҳрибон устоз,

Қандай номланмасин улуғ номингиз,
Ўз қадр-қимматин йўқотмас ҳар он.
Ёлғиз Аллоҳ бўлсин мададкорингиз,
Қалбингизда турсин мустаҳкам иймон.

Хаёлга чўмган дамлар
Само йўлдан юрган эдим,
Кўриб қолдим бир қизни.
Майин шамол эсган эди,
Олиб кетди юлдузни.
Эслаб қолдим ул гўзалнинг
Тароватли бир ҳуснин,
Юзидаги холинию
Кўзидаги кундузни.
Самога мен боқиб ҳамон
Тополмасман ул қизни,
Аслида-чи, излардим
Мен кўкдаги юлдузни...
Хаёлотда не бўлмагай
Чўмдим турли туйғуга.
Сўнг кўзларим аста юмиб
Кетиб қолдим уйқуга.

Эзгу тилак

Гул ғунчаси очилибон
Асло хазон бўлмасин.
Кўнгулдаги нур чароғон
Мутлақ армон кўрмасин.
Дил туйғусин яширмангиз,
Баралла чиқсин тилак.
Ёшларга эзгу муҳаббат,
Бахтдан ўзга не керак?
Оналар фотиҳа беринг,
Туп қўйиб, ёйсин палак.
Шодлигига ҳамроҳ бўлинг,
Ижобат бўлсин тилак...

Хаёлим

Бу дунёнинг ишлари
Хаёлим олди,
Аларни ечай десам,
Ўйларим толди,
Дил навоси кўнгулни
Не кўйга солди,
Айтгил, эй инсон, сендан
Қандай ном қолди?!

Ортга бир назар солинг
Хуснга бой бу дунёнинг
Синовлари узундир,
Хазон бўлган гулларнинг
Оқибати бугундир.
Алдансангиз тош йўлларда,
Кўз ёш тўкиб, нола қилманг.
Яхши-ёмон қилган ишга.
Чек қўйингу, ўкинманг.
Иймон бўлсин ҳамроҳингиз,
Аллоҳ бўлсин паноҳингиз,
Кечиргувчи гуноҳингиз.
Сажда кўрсиннигоҳингиз.
Бўлиб қолманг гумроҳ банда,
Ёлғон айтиб онда-сонда.
Фирибгарлар кўп жаҳонда.
Шундай ажиб бир замонда.
Ўзга дилга берманг озор.
Демангиз: "Дунё бир бозор!"
Бўлиб ниятга сазовор,
Ёвуз ишни қилманг такрор.
Қизлар бўлсин иболи,
Йигит киши вафоли.
Нурга тўлсин иқболи,
Тилидан томсин боли.

Онажон сизга таъзим

Она азиз, она мўътабар,
Онага нозу неъмат амал.
Она бизни доим ўстирар,
Шодлантирар ва қувонтирар.
Онамизга меҳримиз қўйиб,
Юзларидан табассум туйиб,
Ҳурматларин қилмоқлик зарур,
Бул-да ҳам фарз, ҳам қарз эрур.
Ёшингиз юздан ўтсин,
Армонлар тугаб битсин.
Шуларни ёзмоққа айладим азим.
Онажон, сизга қилайин таъзим.

Эътиқод эгалари

Тонг. Дераза очилар аста,
Мудроқ кўзлар боқар фалакка.
Уни таърифлашга сўз хаста,
Нима етсин яхши тилакка.
Азон сасин эшитиб бир вақт
Бениҳоя қалбингиз шошар.
Жойнамозга қўйиб бош шу вақт
Кўнгуллардан илиқлик тошар.
Пок туйғулар йўқотмас файзин,
Эътиқодлар бўлур мустаҳкам.
Англагайсиз ўтган вақт қадрин,
Ишончларни қилингиз маҳкам.
Намоз қолиб, кибр қўйганлар,
Зер-забарга майл бўлганлар.
Уйқу қочмас, турингиз барвақт,
Шунда топар сизни ҳаловат.
Ислон оламига қўйингиз қадам,
Иймонли ишларга қилингиз ғайрат.
Ҳамиша ошнодир сизга субҳидам
Ҳамда рўшнолигу чексиз адолат.

Орзу ила истиқлол

Инсон яшай оларму орзусиз, армонсиз,
Ҳаёт қизиғи борму умидсиз, имконсиз,
Юрт тинчлигин топарму мангу истиқболсиз,
Келажак посбонимиз, қалқони биз, имкони биз.
Камолотга интилмаган киши йўқдир дунёда,
Фосиқликни унутмаган кимса топилар, албат.
Ишончини оқлай олган инсон бўлса рўёда,
Лек вафосиз, ваъдабозлар кашф этади
бир суръат.

Карвонбоши чорлагай карвонини уфқ томон,
Ирмоқларни кечиб ўтар, ошиб ўтади доvon.
Шу зайлда йиллар ўтар, ўзгариб борар замон,
Уфққа етгач порлагай мустақил Ўзбекистон.
Меҳнатдан толиқмаган халқи бордир
юртимнинг,
Ифтихорин куйловчи мадҳи бордир
юртимнинг.

Аждодлари кўрмаган завқи бор уммон-уммон,
Завқинг гаштин сур энди, мустақил Ўзбекистон!

Меҳр-оқибат

Одамлар дунёда ҳар хил бўлармиш,
Бири иккинчисин ёмонлар эмиш.
Нечун керак иғволар, нечун бу сўзлар,
Қайда қолди оқибат, у ширин сўзлар?
Бироқ борки шундай инсонлар,
Ҳар бир ишда дўст, иноқ жонлар.
Булар юзларидан бахт нурин сочар,
Шунингдек аламдан бўлмайди асар.
Қани энди кўпайса шундай инсонлар,
Бутунлай йўқолса фикри нодонлар.
Шундагина меҳр доимий бўлар,
Дунёда оқибат нурларга тўлар.

Муҳаббат

Муҳаббат қасрини қурган кимсалар
Саволим эшитиб, берингиз жавоб.
Кимдир муҳаббатга қаттиқ ишонар,
Кимгадир туюлар у бўлиб сароб.
Қизларни ўхшатманг гул ғунчасига,
Ахир, куз келганда сўлар ғунча ҳам.
Саволим бераман ёшу қарига:
Муҳаббат эмасму дилларга малҳам?!

Болалик

Болалик дамларни бизлар
Унутмайлик ҳеч қачон,
Ахир, жуда қимматлидир
Бизлар учун бу замон.
Эслаганда дўстларинг,
Ёдга олгин ёшлигинг.
Шунда сени тарк этмагай
Қувончлару шодлигинг.
Илму сабоқ оларсан,
Мактабдан шод бўларсан.
Билимни оширай деб
Олийгоҳга кирарсан,
Ортда қолар ўйинларинг,
Хушчақчақ шўхликларинг.
Гар ёшликни эласанг,
Тўлар қувончга диялинг.

Билим олмоқ

Билим олган кишининг ишлари омон бўлур,
Меҳнат қилган кишининг юрти фаровон бўлур.
Шунинг учун доимо
Ўқишни афзал кўринг,
Устозу муаллимга
Иззат-ҳурматда бўлинг.
Устоз илмнинг боғи,
Толиб эса япроғи.
Бажаринг ҳар бир сўзин,
Ерда қолмасин зинҳор.
Сўзлар мағзини чақинг,
Бари бирдай маънодор.
Шогирдларнинг номидан
Келтириб шеърий калом,
Айёмингиз муборак,
Устозларим, ассалом!

Кетма, Наврўз

Келарсан қадам ташлаб аста,
Сени қиш ҳам кутар сармаст-ла.
Ўзинг гўзалдирсан, ўзинг ораста.
Наврўзим, тезроқ келгин албатта.
Наврўзим, англатдинг янги бир кунни,
Диллардан ҳайдадинг фисқ-фужурни.
Поклабон очдинг қалб кўзгусини,
Ҳар инсон сезади, англайди буни.
Ҳақгўйларга айём, ғаразга яқун,
Қимгадир шодлигу ҳатто тўй бу кун.
Хасислик йўқ бўлар, нонимиз бутун,
Мўрилардан чиқар ширали тутун.
Келақолгин энди, Наврўзи олам,
Кўнгул нурга тўлсин, қувонсин одам.
Пойингга поёндоз тутуди олам,
Борлиғу мавжудот сенга ҳамқадам.

Оналарга

Оташин қалбларни
Тебратса алам,
Сиз учун тебратсам,
Етмайди қалам.
Сўзингиз олдида
Ожиз субҳидам,
Кулгингиз жилвасидан.
Яшнагай олам.
Илк бора дунёга
Қўйганда қадам,
Сиз шодон эдингиз,
Шунингдек беғам.
Аслида фарзандлар
Катта бўлганда,
Сизга ошно бўлсин
Уммондек чидам.

Келинчакка

Оппоқ күйлак кийибсиз,
Күйлагингиз муборак.
Аҳду паймон қилибсиз,
Тўйларингиз муборак!
Муҳаббатнинг қасрида
Бахт қуши учсин мангу,
Лабингиздан аримасин
Ҳар дам хушчақчақ кулгу.
Олтиндан бўлмаса ҳам,
Пок турсин остонангиз,
Янаги йил шу кунда
Бешик қилсин онангиз.
Асло қайғу кўрмангиз,
Тўйлардан чиқмасин бош.
Барча яхши ниятга
Мен ҳам бўлгум тилақдош.

Шеър таърифида

Шеър ёзмоқ осон эмас,
Истеъдод керак бўлар.
Шеърни қойил қилсангиз,
Кўнгуллар хушнуд бўлар.
Юртга ҳурлик муборак,
Элимизга озодлик.
Бу касбга тўғри келмас
Бемаънилик, нодонлик.
Келинлар, энди дўстлар,
Шеърни ўйлаб ёзайлик.
Дилларга завқ бахш этиб.
Куй-наволар тузайлик.

Ташвишларни унутинг

Ойнинг ожиз шуъласи.
Ёритмасму оламни,
Инсоннинг бир ноласи
Тебратмасму қаламни?
Нечун чекасиз нола
Ҳаётдан баҳра олинг,
Кўп асарлар яратиб,
Дилларга манзур бўлинг.
Ой нурлари нурафшон
Ёригади тунларни,
Дилингиздаги куёш
Ёруғ қилсин дилларни.
Унутингиз кўнгулдаги
Ташвишларни, ғамларни,
Бекор ўтказиб қўйманг
Шундай гўзал дамларни.
Фойдаланинг бу завқдан
Тушкунликка тушмангиз,
Завқ ҳар дам келавермас,
Уни сиз қадрлангиз.
Файз бағишлар инсонга
Унинг оқ кўнгиллилиги,
Ой ҳам асло билдирмас
Туннинг қоронғулигини.

Нигорим

Нигорим, ўхшатмам гунчага сени,
Ахир, куз келганда сўлар гунча ҳам.
Қуёш нури каби ром этдинг мени,
Дилга бағишладинг ҳаловат, малҳам.

Тушганда нигоҳим сен томон бир зум,
Вужудимни босар титроқ, ҳаяжон.
Бехосдан йўқолмиш айтар илк сўзим,
Бу ҳолим кўрибон бўлмагил ҳайрон.

Сенга ҳадя этай тонгги шабнамни,
Ёхуд истаганинг айтгил, малагим.
Унут кўнгулдаги ташвишни, ғамни,
Сени шодлантирмоқ эрур тилагим.

Касб

Якунловчи синфда
Ўйланиб қолдим бир оз,
Касб танлашда изландим,
Янглишмасам бўлар соз.
Касблар бари керакдир
Инсоннинг ҳаётида,
Буни исботлаш зарур
Илмида, саводида.
Қунт билан ўйлаб кўрсам,
Касбни ҳам танлаш қийин,
Шунинг учун этолмадим
Бирор-бир касбимни тайин.
Маслаҳатлашиб кўрдик,
Турли касбга қўл урдик.
Барининг энг аълоси
Эрурган одамийлик.

Юрт фарзандлари

Бир юрт борки,
Шони тилларда дoston.
Номи ҳам ажойибдир – Ўзбекистон.
Юртнинг фарзандлари
Гар бўлса омон,
Унинг кўксидадир ҳамиша осмон.
Элда шон қозонган фарзанднинг номи
Сақланажак доим қалбнинг кўрида.
Улуғ боболарнинг ўчмас сиймоси
Жой олажак халқим дилин тўридан.
Темурийлар деганда,
Келар Бобур, Улуғбек,
Бормикан шундай бир зот
Алишер Навоийдек?..
Албатта, бу санъатга
Кўшганлар кўплар ҳисса,
Адибларнинг номини
Айтмоқ жоиз, алқисса...
Булар – Қодирий, Фитрат, Чўлпон,
Ҳаммасини олганда улар бир жаҳон.
Булар юрт фидолари,
Талпиндилар ҳурликка,
Минг бор афсус, учрадилар
Ночорликка, хўрликка.
Ул зотларнинг сатрлари
Хор бўлмагай ҳеч қачон,
Чунки эрки ўзида,
Халқ мустақил бу замон.
Сен гуллаб-яшнайвергин
Ватаним – Ўзбекистон.

Баҳор

Сен фасллар келинчаги,
Табиатнинг беланчаги.
Сен наврӯзи баҳорсан,
Тоғдан оққан анҳорсан.
Суяр сени ҳар киши,
Бошланар сендан иши,
Гулбоғинга боққанда
Йўқолади ташвиши.
Уйғотасан оламини,
Чорлайсан барчамизни
Бирликка, тотувликка.
Қушлар хониш этади,
Дилдан андуҳ кетади.
Уйлар нурга тўлганда
Манзара бахш этади.

Ҳақиқат


Ғаразликни ким ўйлаб,
Ким ёйгандир оламга,
Шу нарса қизиқтириб
Савол бердим онамга:
"Айтинг-чи, бу дунёда
Нечун яралмиш ғараз?
Ғаразгуйга фақат мақтов,
Ортиқча сўз бўлса, бас".
Жавоб айлабон онам
Кўп мисол келтирдилар.
Дедилар: "Бахил инсон
Шошилар ғараз томон,
Бировни иғво қилар,
Ғийбат тиғи-ла тирар.
Лекин борки бир хислат,
Ундан кўрқадир ғийбат.
Ғар аччиқроқ бўлса-да,
Устун турар ҳақиқат".

Гўдак

Гўдакнинг овозидан
Ларзага келар дунё.
Бир бора чинқирганда
Оташ бўлур зим-зиё.
Унинг мурғак қалбидан
Олам жой олган гўё.
Ахир, яралмиш дунёга
Тоғни талқон этувчи,
У фарзанддир онанинг
Алласини эшитувчи.
Она сути кетмасдан
Илк бор сўзин айтувчи,
Бор вужуд, ихтиёр-ла,
Заминга интилувчи.
Орзулар гулшанида
Ўсиб-улғайсин гўдак.
Она юрт учун мудом
Ҳақиқий инсон керак.
Соғ-омонлик, аввало,
Гўдак учун зарурат.
Одмийлик нишонаси
Қонда жўш урсин ҳар вақт.
Ўғил бўлсин – шербилак,
Қизи бўлсин – шоҳсанам.
Дуо қилар ота-она,
Омин деяр кенг олам.

Виждон

Покиза дилларнинг мағрур бошисан,
Талпинган қалбларнинг сен қуёшисан,
Қадринг билмаганнинг кўзда ёшисан,
Иймоннинг, ҳаёнинг чин сирдошисан.
Иффатни, уятни унутганларнинг,
Ёлғоннинг қўлига гул тутганларнинг,
Азалий рақибни ўзингсан, виждон.
Гоҳида гадосан ширин сўзларга,
Кутарсан неча йил кўтармай фиғон.
Малҳаму нажотсан маънос кўзларга,
Оқибатни англаб инсонга, виждон.
Сенда мужассамдир сабрнинг тоғи,
Қалбимнинг тўрида ўзингсан султон.
Меҳринг-ла кўкармиш ростгўйлик боғи,
Садоқат йўлида мангу тур, виждон.
Энг улкан салтанат виждонникидир,
Виждон эса иймонли инсонникидир.
Виждонни қийнама, ҳар ишингни бил,
Бир бора адашсанг кечирмас, виждон.
Тўғрилиқ йўлидан боравер фақат,
Гарчи кўринса-да ул сенга ёмон.
Меҳнатнинг кўлида топарсан роҳат,
Сен билан қолажак абадий виждон.



Аёлларга

Сиз аёлсиз, онасиз,
Қалбимда дурдонасиз.
Тобим қочиб қолса гар,
Бошимда парвонасиз.
Сиз энг гўзал келинчак,
Тебратасиз беланчак.
Аллангиз садосидан
Бошин эгади фалак.
Болам оч қолмасин деб
Еласиз, югурасиз.
Мисли она қуш каби
Ўзни ҳарён урасиз.
Фарзандни яратувчи,
Илмга қаратувчи,
Кўнгулни юмшатувчи,
Қиз ўланин айтувчи,
Соғ бўлсинлар оналар,
Бор бўлсинлар аёллар,
Улар учун бағишлансин,
Жўшқин, ширин ҳаётлар.

Сумалак

Наврўз таомларидан
Бири эрур сумалак,
Унга маза бағишлаб
Ўлтирар ўттиз малак.
Биби Фотиманинг оши
Эмиш, ўтмишдан дарак,
Қозонда қайнар тоши
Ҳар бирида жо тилак.
Ниятга етай десангиз,
Бир бора кавлаб қўйинг,
Ўтинни қалаб туриб,
Хушбўй исига тўйинг.
Сумалак пиширай деб
Уйқудан воз кечарсиз,
Туни билан ухламай.
Бир жумбоқни ечарсиз.
Ўзингиз гувоҳсиз,
Унинг тайёрланишин
Қўрарсиз аввалбоши,
Сўнг нелар солинишин.
Рухингиз тетик тутиб,
Ўйин-кулгулар қилинг,
Сумалак пишишини
Зўр ҳавас билан кутинг.

Фарзанд бурчи

Аслин олсак, Ватан ҳам
Бошланар бошпанадан.
Меҳрнинг булоғи-чи,
Қайнар ота-онада.
Сизни хўп тарбиялаб,
Ўстирар, улғайтириб,
Қариган чоғларида
Ўтқазманг сарғайтириб.
Фарзни пухта бажаринг
Токи, озор чекмасин.
Қолмангиз надоматда
Ҳам адашманг омадда,
Ота-она рози бўлса,
Бахт ҳам кулар, албатта.
Ҳар дақиқа ғанимат,
Сиздан уялсин ғафлат.
Ҳадисда ҳам айтилган:
Ҳаракатда баракат.
Нонни ҳалоллаб ютинг,
Фақат яхшилиқ кутинг.
Шукроналар келтириб,
Хусуматни унутинг!

Йўллаيمان салом

Топдингму ўзга дилдан жой,
Кетдинг бутунлай, ҳойнаҳой.
Этдинг гулнинг ҳолини вой,
Кетма, сенинг билан эрур чирой.
Кетма, чаман сен биландир баҳор,
Сенинг билан оқар биллур анҳор.
Сенсиз шаббода эсарму наҳор,
Баҳорим, кетмагил дейман, такрор...
Тарк этма дилнинг пок туйғусини,
Бузма ҳижроннинг илк уйқусини,
Йўқотма дилларинг орзусини,
Ахир, ёш қалб истамайди буни.
Оламни сен ўзингга этгил ром,
Булбулни куйлатиб, этгил хиром.
Хонишидан дунё олсин ором,
Ушбу қўшиқ-ла йўллаيمان салом...

Истеъдод

Истеъдод эгасига
Ҳавасим келар минг бор,
Истеъдод ила инсон
Ҳеч қачон бўлмайди хор.
Топар ҳалол нонини,
Йўқотмас иймонини.
Касб ила халқин мақтар,
Булғамас ҳеч номини.
Вақтида қадрланса
Истеъдод эгалари,
Юртимники дунёнинг
Энг баланд чўққилари.

Ўзни инсоний тутинг

Инсонларни яратганнинг
Ўзи қўлласин ҳар вақт.
Садаф торлар янграйверсин,
Куйлар бахш этсин роҳат.
Зилол сувлар булғанмасин
Чанг-ғуборларга зинҳор.
Ахир, сувлар оқимида
Мангулик бор, ҳаёт бор.
Ҳар бир биллур томчи сувдан
Олам мунаввар бўлгай.
Лек кўз ёши томчиларда
Ҳасрат, фиғон тўкилгай.
Гар куй тинглаб, кўзларга
Бехосдан келса кўз ёш,
Демакки, шуни англаб,
Дилингиз сизга сирдош.
Аччиқ хазонлар ортидан
Нам тортмасин бу кўзлар,
Қалб узра қулоқ тутинг,
Қандай туғёна сўзлар.
Сизга қувонч ҳамроҳ бўлсин,
Дилда барқ урсин чечак.
Шунда кўз ёш тўкилмагай,
Андух тарк этар бешак.
Ҳаёт сўқмоқларида
Йўлингиз топинг равон,
Тўғри йўлни топинг истаб
Ортда бор қайтмас карвон...

Дўстона маслаҳат

Йил охирлаб, имтиҳонлар
Ўтар бир-бирин қувиб,
Узоқлашар қаҳратонлар
Ёмғир сувида ивиб.
Ўқиш тугаб, янги жойга
Қадам қўймагин бежо.
Қайга кирсанг, қўйма пойга
Ўйлаб кўргин, аввало.
Баҳо учун ўқимагин,
Билим учун сен тириш,
Фозил инсон бўлмоқ учун
Бор вужуд ила кириш.
Бўлай дема энг улуғи
Илм-фан масканида,
Сендек улуғ инсонлар кўп
Маърифат бўстонда.
Сен излаган саволларга
Тополмасанг бундан жавоб,
Илм боғин Ватан этсанг,
Қилурсан улкан савоб.
Китоб бўлсин содиқ дўстинг
Қадрин билгил вақтида,
Ҳикматлардан маржон-маржон
Сатрлар бор сатҳида.
Сўзни бошлаб имтиҳондан
Яқунлагин китоб-ла,
Сўзни қунг билан ўрганиб,

Жавоб қилгил шитоб-ла.
Насиҳат деб билмагайсан,
Дўстона бир маслаҳат,
Билимни ўтқир қилсанг гар,
Қарор топар маърифат.

Айёмингиз муборак

Айём билан қутлаб қиз-жувонларни
Ёзибсиз серфайз, шинам дастурхон.
Унутмайлик ушбу гўзал дамларни,
Дастурхон тўрида оналар меҳмон.
Хизматда келинлар, қизлар сараси
Елиб югуришсин бугун бариси.
Муסיқа янграйди, қизларнинг қарзи
Онани шодлантирмоқ барчасин фарзи.
Йўқолсин онанинг юзидан ажин.
Ўрнин эгаласин қувонч чеҳраси
Оққа айлантирманг қора зулф сочин,
Энди тугаб битсин ғамнинг саҳроси.
Асрларнинг боши сизларга бўлсин,
Бағрингиз энг нафис гулларга тўлсин,
Меҳрингиз олдида қуёш нур бўлсин!

Инсоний фазилат

Атрофга бир-бир боқиб,
Роса бўлдим ҳайрона.
Кимгадир бир сўз қотиб,
Дилим бўлди вайрона.
Нима бўлган инсонга,
Нечун чеҳралар ғамгин?
Қулоқ тутинг оламга,
Нечун кўчалар сокин?
Истаган йўловчига
Ташлангиз бир бор нигоҳ,
Шунда чарчоқнинг рамзи
Кўзда акс этар ногоҳ.
Ҳаловатин йўқотган,
Чексиз ғуссага ботган,
Қандай муаммо қийнар,
Ўзни қай томон урар.
Бизда танқис оқибат,
Саҳоватдан йўқ нишон.
Гар сўралса не сабаб,
Яна сабабчи замон.
Муаммони йўқ қилиш
Инсоннинг қўлида-ку,
Орзуларга эришиш
Тақдирнинг йўлида-ку.
Вақтни ўтказмай, дўстлар
Ташвишни унутайлик,
Мусулмон тутиб ўзни

Саховатли бўлайлик.
Қадрлайлик вақтида
Инсоний фазилатни,
Дўстга дўст бўлиб ҳар дам
Аямайлик ҳимматни.

Ирода

Ирода не демакдир, иродасиз не демак,
Жавобни изҳор этиб, яратинг улкан китоб.
Баъзилар иродаси
Мустаҳкамдир тоғлардек,
Баъзиларники эса,
Эриб кетади қордек.
Иродаси кучлига
Ҳавасим келар асли,
У кўнгул нашидаси –
Йилнинг энг гўзал фасли.
Қани энди баримиз
Иродали бўлсак-да,
Ватанни обод қилиб
Юртда даврон сурсак-да...

Қалбларга қулоқ тутинг

Қалбинг тўла ўкинчга,
Сени эшитар бир зот йўқ.
Йўл қидирдинг севинчга,
Ҳеч бир ёндан нажот йўқ.
Нола қилмагин асло
Ҳаёт синовларидан.
Сабр дўст бўлар танҳо,
Қўрқма қировларидан.
Олдинда минг бир сўмоқ
Қай бирин боссанг, ўйла,
Бошингга тегса тўқмоқ
Фақат ҳақиқат сўйла.
Қалбинг кўз ёшга чўмса,
Намланмасин кўзларинг.
Дилинг қайғуга тўлса,
Титрамасин сўзларинг.
Ўтма дунёдан гумроҳ.
Ёру дўст ташвишин қил.
Ортингдан бўлгил огоҳ,
Яхши ном қолдира бил.
Гардиш айланаверар,
Сония, аср бўлиб.
Дунё гўё туюлар
Туйнуксиз қаср бўлиб.
Ота-она кўнгулга
Гард юқтирма, шодон эт.

Пойнга таъзим айла,
Қалбини чароғон эт.
Вақтида адо қилғил
Ҳақ буюрган фарзларни.
Фурсатни бой бермагин,
Кечикмай уз қарзларни...
Йўлни босиб ўтишда
Ҳамроҳинг бўлсин ислом.
Дилингнинг энг тўрида
Мустаҳкам турсин иймон.

Мустақил ватансан

Озодлик наслини кутган элимсан,
Қалб ўтинчин шеърга битган элимсан,
Адолат уруғин сочган элимсан,
Сен кутган дамларинг келгандир энди...
Етмиш йил қафасда тутқун қуш каби,
Етмиш йил талпиндинг ҳур замон сари.
Бу давр ичида ёш бўлди қари,
Парвоз пайти келди, қулоч ёз энди...
Дунёни забт этган Темур ўғлонинг
Баланд тутган доим ғурур-ла, шонин
Сен учун курашди, улуғдир номинг,
Тарих шодасида мағрур тур энди...
Истиқболни шараф-ла кутиб олдинг,
Ёвузлик илдизига кишанлар солдинг,
Эрклик шамолидан сен баҳра олдинг,
Мустақил ватанга айландинг энди...

Весна

Весна собою красовалась.
В сердцах зажгла она огонь.
Порой с зимою попрощалась,
Мы услышали птичий звон.

Нас окружила ярким светом,
Покрыла зеленью поля.
Всегда приходит перед летом,
Как будто ранняя заря.

Земля гордится пышными садами,
А в них гуляет робкий ветерок.
Сады покрыты нежными цветами,
Какую сказку молвит ручеек?

Любите сердце

Вы лестец и я Вам не поверю,
Так, как вы отняли сердца.
Убив последнее доверье,
Убив навеки, навсегда...
Как странно смотрят эти чары,
С улыбкой тайной на лице.
Уж Вы покиньте эти кары,
Сожгите пламя в сердце.
Покиньте горе и разлуку.
Ведь для кого-то нужно жить.
Гоните Вы с души все муки,
Не нужно безкорыстным быть.
Бросьте курить, любите сердце,
Превратившись в героя певца.
Разделите свою Вы радость.
Не приняв это за жалость.

Армон

Хотира

Дилором 1979 йил охириг ойнинг 4-кунинда Тошкентнинг "Қатортол" маҳалласида – зиёли оилада, орзиқиб кутилган фарзанд бўлиб, бир олам қувонч ва нур билан дунёга келди. Дилором жуда ёшлигидан ўта зийраклиги, донолиги, ўткир зеҳни билан бошқа болалардан ажралиб турар эди. Илмга бўлган қизиқиши жуда эрта уйғонди ва у олти ёшга ҳам тўлмайд мактабга борди. Мактабда аъло баҳоларга ўқий бошлади. 1987 йили Дилоромда тасодифан туғма икки томонлама оғир бўйрак хасталиги аниқланди ва шу йили Москвада иккала бўйрагида тўртта жуда катта амалиётлар ўтказилди. Дилором бетоблиги туфайли ўқишдан қолиб кетган бўлса-да, ўзининг ўта тиришқоқлиги, мустаҳкам иродаси билан тенгдошларига ўқишда етиб олди. У синфдан синфга ҳар йили мақтов ёрлиғи билан кўчди. Ўта қизиқувчанлик, ҳаётни севиш, уни кузатиш, тиниб тинчимаслик" Дилоромга ёшлигидан ҳамроҳ эди. У тўққиз ёшида араб алифбоси ва тажвидни ўзлаштириб, бемалол Қуръони каримни қироат билан ўқир, Ислом асослари билан таниш эди. Шериятга қизиқиш эса, унга бобоси – ўз даврининг йирик олими кимёгар Абдужалил ота-

дан ўтган эди. У шеърӣ машқларини бобо-
си ва мен билан ўртоқлашарди. Кичкина
бўлишига қарамай, фалсафӣ теран фикрга
эга эди. Дилором хасталигини ўзгаларга бил-
диришни ёқтирмасди. Мактабда ҳам дугона-
лари ва ўртоқлари орасида фаол бўлди, ўзга-
лар қувончи билан қувонди, ташвиши билан
яшади. Қўлидан келса, барчага баробар ях-
шилиқ, сахийлик, очиқ кўнгуллилик, меҳри-
бонлик қилиш унинг энг яхши фазилатлари-
дан эди. Мактабда шеърӣят ва шоирлар би-
лан учрашув, баҳс кечалари унинг жониди
эди ва "қизлар давраси" каби ўйинларнинг
ҳар доим бирдек ғолибаси эди. Дилором кат-
та ва кичикка ўзига яраша муомала қилар,
одоби, ҳаёси, ибоси билан, ўткир зеҳни, чу-
қур билими, дунёқарашининг кенглиги би-
лан, кичик бўлишига қарамай устозлари, ду-
гоналари, қариндошлари, қўни-қўшилари
орасида катта ҳурмат топди. Оилада ота-она-
га, ука-синглиси бўлмиш Фотима ва Хусан-
ларга меҳрибон опа, энг яқин дўст, айниқса,
менга чин сирдош, маслаҳатгуй инсон эди.
Дилором 1995 йили мактабни имтиёзли бити-
риб, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университе-
тининг инглиз филологияси куллиётига
ўқишга кирди. "Онажон, мен ўқиш билан ти-
рикман, университетда дугонала-

римни, устозларимни кўрсам, дарсга қатнашсам, дардимни унутаман", деб бетоб ҳолларида ҳам ўқишга кетиб қоларди, мутолаа қиларди, илмини оширарди. Инглиз тилида сўзлашишни жуда яхши кўрар, "Опа, бугун мен ҳинд қизи билан, америкалик билан инглиз тилида сўзлашдим", дея фахрланиб келар эди. Дангасалик, адолатсизлик, сохталик, дўстликка хиёнат, ғаразгўйлик, ёлғон сўзлашларга нафрат кўзи билан қарар эди. Шунинг учун барчани ҳалол ўқишга, билимни чуқур эгаллашга чақирарди. Бўш вақтларида инглиз тилида ёзилган кассеталарни эшитар, турк кўшиқларига чиройли рақс ҳам тушар, ошхонада эса ширин-шакар пишириқлар, таомлар пиширар, менинг ишдан келишимга кайфиятимни кўтарадиган "сюрприз"лар тайёрлаб қўярди. Ёшлар эшиттиришларининг ашаддий мухлиси, фаол иштирокчиси эди. У ўзининг қизиқ, қисқа, доно жавоблари билан бир неча марта ўша эшиттиришнинг мукофотларига сазовор бўлган, унга атаб шеър ҳам ёзган ва у радио орқали ўқиб эшиттирилган эди. Дилором ҳаётни жудажуда севар эди. Жамият учун керакли инсон, ота-она учун муносиб фарзанд бўлишга интилди, ўз дардини Аллоҳнинг синовлари деб билди. Шунинг учун шеърларида кишилар-

ни ҳаёт синовларидан, қийинчиликларидан сабр ва қаноат билан ўтишга, иродали бўлишга, ҳаётнинг қадрига етиб, умрнинг қанча бўлишидан қатъи назар, кишиларга яхшилик қилишга, бировнинг оғирини енгил этишга, меҳр-оқибатга, эзгуликка, Ватанни севишга, ота-она ва ватан олдидаги бурчларини ҳалол бажаришга чақирди.

Афсус, минг афсуслар бўлсинким, оғир дард қанча уринишларимизга қарамай, кўкси бир дунё орзу-умид ва армонларга тўла, шаҳло кўзлари яшашга ташна қизимни – Дилоромимни ҳаётдан бевақт кўз юмдирди. Кўзларим нури, юрагим сурури, ақл чироғим, севикли фарзандим, дўстим, сирдошим, жисман ҳаётда бўлмаса-да, руҳан мен билан, ука-сингиллари, дўст-ёрлари билан биргадир. У қисқа умр кечирса-да, бизга бир дунё хазина – ўчмас хотира қолдирди. Ва ушбу сатрлар битилган шеърини дафтари бизга азир ёднома бўлиб қолди. Қизимни Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин.

Мен Аллоҳга ўз "фаришталаридан" бирини менга фарзанд қилиб бериб, салкам ўн тўққиз йил бирга, ҳамнафас яшатганига шукроналар айтишга ва тақдири азалга тан беришга мажбурман.

Мухтабар Абзалова

Дилларнинг ороми

Кечагина давраларимизда шоирона фикрлари, маъюсона қарашлари, мулойим жилмайишлари билан қалбимизнинг тўридан жой олган азиз дугонам бугун орамизда йўқ. Бу йўқликни тасаввур этиш биз собиқ синфдошлари учун нақадар оғир.

Дугонам Дилоромхон чин маънода дилларнинг ороми эди. У билан суҳбатлашган ҳар бир кишининг дили яйрар эди. Биз бир уйда (домда) истиқомат қилганимиз туфайли мактабда ҳам, уйда ҳам кўпроқ мулоқотда бўлар эдик, сирлашардик.

У ҳеч қачон дўстларидан ёрдамини аямасди. Синфимизнинг энг аълочи ўқувчиларидан эди. Айниқса, она тили ва адабиёт дарслари дугонам учун байрам бўлиб кетарди. Ёзган иншолари муаллимларимизни ҳам ҳайратга соларди. Мен унинг яқин сирдоши бўла туриб, Дилором шунча эҳтирос, шундай чиройли сўзларни қаердан олар экан, деб ҳайрон бўлардим. Дугонам рус тилида ва инглиз тилида эркин сўзлашарди. Болалигидан шеърятга қизиқар, ўзи ҳам шеърлар машқ қилар эди. Ёзган шеърларининг биринчи ўқувчилари онаси Мухтабар опамлар билан мен бўлардик. Кўпроқ Ватан, Она, муҳаббат, меҳр-оқибат ҳақида ёзарди.

Синфимизда қачон шеърхонлик кечилари, адабий суҳбатлар уюштирилса, дугонам ҳар

доим ўша давраларнинг ғолибаси бўларди. Унинг яна бир фазилати бор эди: синфдошлар орасида қанақа келишмовчилик пайдо бўлса, ўзининг теран фикрлари билан адолатли ҳал қилар, адолатсизликни сира кечира олмас эди. Дугонам мактабни аъло баҳоларга тугатгандан кейин, Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили куллиётига юқори балл билан ўқишга кирди. Университетда ҳам аъло баҳоларга ўқиди, бадий адабиётларни севиб мутолаа этди, инглиз тилини ўргатинг, деб ёрдам сўраган таниш-билишларига инглиз тилидан сабоқ берди.

Шеърят эса унинг доимий ҳамроҳи эди. Шеърларини бугун ҳам ўқисам, хаёлан унинг мулойим чеҳраси кўз олдимда гавдаланади ва худди шеърларини менга ўзи ўқиб бераётгандай туюлади.

Дугонам ҳақидаги илиқ хотиралар қалбимнинг тўрида абадий сақланади.

Барно Шукриддин қизи

Мундарижа

Дил навоси. <i>Худойберди Тўхтабоев.</i>	3
Ватан	4
Наврўз	5
Одоб	5
Устозлар	6
Хаёлга чўмган дамлар	7
Эзгу тилак	8
Хаёлим	8
Ортга бир назар солинг	9
Онажон, сизга таъзим	10
Эътиқод эгалари	11
Орзу ила истиқлол	12
Меҳр-оқибат	13
Муҳаббат	13
Болалик	14
Билим олмоқ	15
Кетма, Наврўз	16
Оналарга	17
Келинчакка	18
Шеър таърифда	19
Ташвишларни унутинг	20
Нигорим	21
Касб	22
Юрт фарзандлари	23
Бихор	24
Ҳақиқат	25
Гўдак	26
Виждон	27

Аёлларга	28
Сумалак	29
Фарзанд бурчи	30
Йўллайман салом	31
Истеъдод	31
Ўзни инсоний тутинг	32
Дўстона маслаҳат	33
Айёмнингиз муборак	34
Инсоний фазилат	35
Ирода	36
Қалбларга қулоқ тутинг	37
Мустақил Ватансан	38
Весна	39
Любите сердце	39
Армон. <i>Мухтабар Афзалова</i>	40
Дилларнинг ороми. <i>Барно Шукриддин қизи</i> ...	44

Дилорам Абзалова
ҲУР ЧЕЧАКЛАР
Шеърлар

Муҳаррир
Икром Отамурод
Мусаҳҳиҳ
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон
Рассом
Раҳима Қўнеирова
Ношир
Тўлқин Нурмуҳаммад
Техник муҳаррир
Нафикова Елена

ИБ № 3378

Босишга 07.05.1999 йилда рухсат этилди. Бичими 35x42 1/16. Офсет қоғози. Жами 500 нусха. 14-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нарҳда.

"OFSET-PRINT" босмохонаси.
Тошкент, Қирққиз кўчаси, 10-уй.

150a



Дилором АБЗАЛОВА 1979 йили Тошкентнинг Қатортол маҳалласида зиёлилар оиласида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугаллаб, 1995 йили Жаҳон тиллари университетининг инглиз тили куллийетига ўқишга кирди. Турк, инглиз, рус тилларини пухта ўрганди, бемалол гаплашар, ҳатто инглиз ва рус тилларида шеърлар битар эди. Туркум шеърлари "Туркистон" газетида эълон қилинган, радиода ўқилган, "Шарқ юлдузи" ва "Гулхан" ойнومаларида чоп этилмоқда. Афсус, тақдир экан, 1998 йили III курсда ўқиётган чоғи вафот этди. Ота-онасига, дугоналарига ундан армонли хотира бўлиб ушбу китобча қолди. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, омин.